# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 7 декабрь, № 242 (4395) Жума

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# ИШЛАР ҚИЗҒИН, ТАРАДДУД ПУХТА

***Бугун халқимиз мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Шу боис, жойларда мазкур жараённи ўтказишга тайёргарлик ишлари юқори суръатларда бораяпти. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссиясида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар фикримизни тасдиқлайди.***




*Комиссия томонидан овоз бериш учун қулай жойлар танланиб, зарур хоналар, жиҳозлар билан таъминланди. Овоз бериш учун имкон қадар аҳолига манзур жойлар — мактаблар, лицейлар ва жамоатчилик учун таниш, келиб-кетиш осон бўлган бошқа манзиллар сараланиб, сайловчиларга бу ҳақда ахборотлар етказилди.*

*Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси қошида матбуот хизмати фаолият олиб бормоқда. Бу ерда сайловчилар ушбу муҳим сиёсий тадбир ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан таништирилиб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилаётир.*

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси Норқувват Янгибоев ва матбуот хизмати раҳбари Собиржон Эгамбердиев сайловчи Маҳбуба Муратова билан суҳбатлашмоқда.

**Ж. НОРҚОБИЛОВ** олган сурат.

***Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 6 декабрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# АКМАЛ САИДОВНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Бухоро округ сайлов комиссиясининг раиси Ф. Аминов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, вилоят адвокатлар ҳайъати раёсати раиси Т. Сайидов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бугунги кунда юксак самаралар бераётгани таъкидланган. Демократлаштириш ва эркинлаштириш жамият ва давлат қурилишининг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар такомиллашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора ортиб бормоқда. Ёшлар тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Саидов нутқ сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Бухоро шаҳридаги «Мадад» оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази раҳбари Зумрад Кенжаева, ғиждувонлик ҳунарманд уста Абдулла Нарзуллаев, «Журналист» ассоциацияси раиси Асатулла Қудратов, «Тадбиркорлар» ассоциацияси раҳбари Ориф Жўраев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан яққол далолат эканини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Э. ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 6 декабрь куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Ў. Мавлонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилояти Кенгаши раиси Ш. Умаров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилиб, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори муттасил ошириб борилмоқда. Коммунал хизмат сифатини юксалтириш, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Рустамов нутқ сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зарафшон шаҳар Кенгаши раиси Баҳодир Қосимов, Навоий шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби директори Эътибор Зоҳидова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши раиси Лолагул Собирова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик асосида, ошкора ўтаётгани ҳамда умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишини алоҳида таъкидладилар. Сайловчиларни шу йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга даъват этдилар.

**Ё. УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

# КАРДИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

***Пойтахтимизда мамлакатимиз кардиологларининг "Илм-фан ютуқлари: назариядан амалиётга" мавзуидаги илмий-амалий анжумани бошланди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ихтисослаштирилган кардиология маркази ва Кардиологлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этаётир.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда кўплаб бирламчи

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига




***Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунга келиб, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш борасида кўпдан-кўп ютуқлар қўлга киритилмоқда.***

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Булар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз самарасидир. Ана шу йўлда қабул қилинган дастлабки ҳужжатлардан бири, дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Юртбошимиз Асосий Қонунимиз қабул қилиниши муносабати билан Олий Кенгашнинг XI сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра, янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасида ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик». Бу ижтимоий ҳаётда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари нақадар устуворлигини тасдиқ этади.

(Давоми 2-бетда).

# ИНСОН ОМИЛИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Асосий Қонунимизда инсон омилининг, инсон ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият, деб белгилаб қўйилганлиги бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар туфайли ўз исботини топмоқда. Конституциямиз асосида олиб борилаётган ҳар бир саъй-ҳаракат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.***

Асосий Қонунимизда инсон омилига катта ўрин берилиши халқимиз шуурига сингиб кетган, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган инсонийлик, бағрикенглик, саховатпешалик, меҳр-оқибат ва диёнат каби буюк хислат ҳамда фазилатлар мевасидир. Айниқса, илк мустақиллик йилларида бизнинг жамиятимиз учун нотаниш, янгилик бўлган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзи бўлмади. Бу Президентимиз томонидан асос солинган ва ҳозирги кунгача изчил амалга ошириб келинаётган оқилона сиёсат, қолаверса, кўп машаққат ва куч-салоҳиятни талаб қилган оғир ва масъулиятли меҳнат самарасидир.

Конституциямиз туфайли бозор муносабатлари қонуниятини инобатга олган ҳолда мулкчиликка нисбатан муносабат ўзгарди. Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири — иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократлаштиришдир. Нотаниш ижтимоий муносабатларга ўтиш шароитида жамиятда барқарорликни таъминлаш, ҳар қандай тартибсизликнинг, қолаверса, инқирознинг, ҳуқуқий нигилизмнинг олдини олиш масаласи шуни тақозо этган эди. Конституциямизга кўра, мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулк тенг ҳуқуққа эга ва бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади.

Энг муҳими, Конституциямизнинг жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд ютуқларига, демократик тамойилларга, бу борада эришилган ютуқларга таянганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Асосий Қонунимизда жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқаларга кўра инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган бирорта ҳам модданинг йўқлигида, ўйлаймизки, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимиз ва бебаҳо анъаналаримизнинг беқиёс ўрни бор. Минг йиллик давомида аждодлардан авлодларга, ота-оналардан фарзандларга, ворисларга ўтиб келаётган ва дунёнинг ҳеч бир бурчагида такрорланмайдиган ажойиб муносабатларнинг, инсоний фазилатларнинг Асосий Қонунимиздан ўрин эгаллаганлиги таҳсинга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

# МИСР МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

**Дунё нигоҳи**

Тадбирда Миср Араб Республикасининг ижтимоий-сиёсий, илмий, таҳлилий доиралари ҳамда мамлакат етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Мисрда нашр этиладиган «Абулхаул ад-Давлия» газетаси Ўзбекистон Асосий Қонуни қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган мақолани эълон қилди.

«Миллий давлатчиликнинг пойдевори» сарлавҳали мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида давлат ва жамият қурилишининг янги тамойиллари ҳамда ўзбек давлатчилиги тараққиётининг тарихий тажрибасига таянувчи сарчашма мужассам бўлгани ҳолда, у маданий, миллий анъаналар ва ўзига хосликларни ифодалаши, шунингдек, жаҳон тажрибасини инобатга олгани алоҳида таъкидланади.

«Абулхаул ад-Давлия»нинг қайд этишича, Ўзбекистон Конституцияси халқ ҳокимияти, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши, давлат суверенитети, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши, Конституция ва қонун устуворлиги, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, иқтисодий фаолият шаклларининг кўп қирралиги, давлатнинг ижтимоий хусусияти, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуқли иштироки сингари демократик конституция қурилиши тамойилларининг яхлит тизимини мустаҳкамлайди.

Конституциявий меъёрларнинг демократлилиги фуқаролар манфаатларини ҳимоя этишга, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашга, мамлакатда парламентаризмни ривожлантиришга кўмаклашади, деб ёзади Миср газетаси. Конституциявий механизм яратишнинг муҳим аҳамияти конституция меъёрларига риоя этилишини кафолатлаш билан изоҳланадики, у жамият ва давлат тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилади.

250 минг нусхада чоп этиладиган ушбу ижтимоий-сиёсий ҳафталик нашр нафақат Мисрда, балки бошқа араб мамлакатларида ҳам ўзининг кенг ўқувчилар доирасига эга.

**«Жаҳон» АА.**
Қоҳира

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА КЎЗГУСИ

***Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтаётган "International Uzbek Textile Fair — 2007" халқаро тўқимачилик кўргазмаси кеча ўз ишини тамомлади.***

**Халқаро кўргазма**

Таъкидлаш жоизки, тадбир қатнашчилари ва иштирокчиларида мазкур кўргазма катта қизиқиш уйғотди. Зеро, мамлакатимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган, жаҳон андозалари даражасидаги ип-газлама, трикотаж матоси, кийимлар, шунингдек, миллий газламалар сифати, кўркамлиги ва ранг-баранглиги билан ҳар қандай харидорни бефарқ қолдирмайди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамиз тўқимачилик саноатида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаяпти ва улар амалда ўз самарасини бераётир. Мисол учун, бундан 15-20 йил муқаддам Ўзбекистонда атиги 4 та тўқимачилик корхонаси мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик жамияти тизимида 150 дан зиёд ишлаб чиқариш субъектлари фаолият кўрсатиб, улар ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорни тўлдирмоқда. Албатта, бу юксалишларда мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит туфайли хорижий инвесторлар томонидан киритилаётган сармоялар катта аҳамият касб этмоқда, десак, хато қилмаган бўламиз.

(Давоми 2-бетда).

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА 2008 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНАНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?**

Нашр кўрсаткичимиз — 229

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

***Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловларнинг очиқ ва ошкора ўтказилиши энг муҳим, принципиал масалалардан бири ҳисобланади.***

***Маълумки, сайловлар — давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари ҳамда давлат бошлиғини сайловчиларнинг овоз бериш йўли билан сайлаш жараёни. Мазкур жараённинг эркин ва адолатли тарзда ўтишида очиқлик ва ошкораликнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс.***

# ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Очиқлик деганда, сайловчилар учун аниқ ва тушунарли жараён назарда тутилиб, фуқароларнинг сайловга оид барча ахборотларни олиш ва тарқатиш ҳуқуқи тушунилади. Сайлов жараёнининг ошкоралиги эса сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид барча маълумотлар оммавий ахборот воситаларида сайловчилар эътиборига ҳавола қилиниши, сайловларда кузатувчиларнинг иштироки орқали намоён бўлади.

Очиқлик ва ошкоралик билан биринчидан, халқимизнинг сайлов комиссиялари қабул қилаётган ҳужжатлар ҳақида ўз вақтида хабардор бўлишига эришилади, иккинчидан, сайловчилар номзоди кўрсатилаётган шахснинг келгуси фаолият дастури ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. Бу дастур ўз ҳаётига нечоғли таъсир қилишини англаб етади. Учинчидан, сайловга қандай тайёргарлик кетаётганлигидан аҳоли хабардорлиги, яъни сайлов жараёнларининг жамият назоратида бўлиши таъминланади. Энг муҳими, давлат ҳокимияти органларини ташкил қилишда сайловчиларнинг онгли ҳолда ҳамда кенг иштирок этишига эришилади.

Сайлов жараёнларининг очиқ ва ошкора ўтказилишида мазкур принципларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан мамлакатимизда нафақат сайлов жараёнларидаги очиқлик ва ошкоралик, балки ижтимоий ҳаётимиздаги барча жараёнларда мазкур принциплар ўз ўрнини топишига хизмат қиладиган қонунчилик базаси яратилди. Айниқса, Асосий Қонунимиз бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга" деб қайд этилган бўлса, 30-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим"лиги белгиланган. Конституциянинг 84-моддасига кўра эса, "Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир".

Сайлов жараёнларининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари киради.

Сайлов жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи нормалар "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида ўз аксини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг миллий сайлов қонунчилигида белгиланган очиқлик ва ошкоралик бўйича нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (19, 21-моддалар), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (19-модда 2-банд), Инсонийлик мезонлари бўйича Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Копенгаген ҳужжати (7, 8, 9-бандлари), 1994 йилда Парламентлараро иттифоқ қабул қилган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация" (2, 3, 4-бандлар)га тўла мос келади.

Бу борада хорижий тажрибани таъкидлашдан аввал шуни алоҳида қайд этиш жоизки, очиқлик ва ошкоралик таъминланишининг энг асосий шартларидан бири — уни қонунчилик асосида кафолатлаш ҳисобланади. Жаҳоннинг кўпгина демократик давлатларини ўз сафида бирлаштирган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) мисолида айтадиган бўлсак, мазкур ташкилотнинг Копенгаген ҳужжати ва ушбу ташкилот қабул қилган бошқа бир қатор ҳужжатлар талабига кўра, иштирок этувчи давлатлар (уларнинг сони ҳозирда 56 та) ўз қонунчиликларида очиқлик ва ошкораликнинг таъминланиши учун халқаро кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқини мустаҳкамловчи қоидаларни акс эттиришлари, халқаро кузатувчиларни сайлов жараёнларини кузатиш учун таклиф қилишлари лозим. Ўтган йилги маълумотларга қараганда, иштирокчи 56 давлатдан 33 таси қонунчилигида халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Фақатгина 21 иштирокчи давлат ўз миллий қонунчилигига халқаро кузатувчиларнинг сайловларда иштироки бўйича нормаларни киритган.

ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси линияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ЕХҲТда қатнашувчи давлатларнинг 23 тасида ЕХҲТ линияси бўйича ҳеч қачон сайловлар кузатилмаганлиги маълум бўлмоқда.

Хусусан, АҚШ ҳам мазкур ташкилот иштирокчиси бўлгани ҳолда, федерал қонунчилигида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини кафолатламаган. Бунинг оқибатида кузатувчилар мазкур давлатда ўтказилаётган сайловларни кузатиш чоғида штатлар маъмурияти томонидан ўзлари хоҳлаган сайлов участкасида бўлиш имкониятига баъзи ҳолларда чеклов қўйилаётганлигини таъкидламоқдалар. Кузатувчиларнинг иштирок этиш-этмаслигини ҳал қилиш штатларнинг ихтиёрига берилганлиги боис, баъзи штатлар халқаро кузатувчиларни аккредитациядан ўтказишни рад этаётган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Маълумотларга қараганда, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигида ҳам хорижий кузатувчиларнинг сайлов жараёнларини кузатишига йўл қўйилмайди. 2000 йили мазкур давлат парламенти "Сиёсий партиялар, сайловлар ва референдумлар тўғрисида"ги Қонунга Миллий сайлов комиссиясидан аккредитациядан ўтгандан сўнг хорижий кузатувчиларни сайлов участкаларида ва овозларни санаб чиқиш жойларида бўлиш ҳуқуқига оид тузатишларни киритди. Мазкур тузатиш орадан етти йил ўтиб, 2007 йил 31 январда кучга кирди. Бироқ ҳали амалиётга татбиқ қилинганича йўқ. Шу билан бирга, мазкур тузатишлар Шотландия ва Шимолий Ирландияга нисбатан қўлланилмайди. Маълумки, очиқлик ва ошкораликнинг энг муҳим талабларидан бири — участка сайлов комиссиясида овоз бериш вақти якунланганидан сўнг кузатувчилар иштирокида овозларни санаб чиқиш ҳисобланади. Буюк Британияда эса сайлов комиссияси овозларни санаб чиқмасдан, сайлов қутиларини муҳрлаб, овозларни санаб чиқиш марказларига юборади.

Францияда ошкоралик коммуналарда тузиладиган овоз беришни назорат қилиш бўйича Комиссия, кузатувчилар институти орқали, Германияда ошкоралик кузатувчилар институти, фуқароларни сайлов комиссиялари ишига жамоатчилик асосида фаол жалб қилиш орқали таъминланади. Польшада кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқи қонунчиликда назарда тутилмаган.

Мамлакатимизда эса бу масала мустақилликнинг илк кунлариданоқ қонунчилигимизда белгилаб қўйилди. Истиқлол йилларида бўлиб ўтган барча даражадаги сайловлар очиқ ва ошкора тарзда, халқаро ва хорижий, маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирокида бўлиб ўтди. Ўзбекистон демократик ислоҳотларни тўхтовсиз жараён сифатида билиб, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, балки амалий ҳаётда жорий қилиш бўйича ўзини демократик давлат деб ҳисоблаб юрувчи баъзи бир мамлакатларга ҳам ўрнак бўлса арзийди, десак, мутлақо янглишмаймиз.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

---




## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига

# ИНСОН ОМИЛИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конституциямизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деб эътироф этилиши ушбу муҳим ҳужжатнинг бутун моҳиятини ташкил қилади, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Бу, энг аввало, Конституциямизнинг халқчиллигидан далолатдир.

Истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, жумладан, қонунчилик соҳасини такомиллаштириш масалалари ҳамиша долзарб бўлиб келмоқда.

> **«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».**
> (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси).

Биз адолатли жамият, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланадиган демократик ҳуқуқий жамият қурмоқдамиз. Бу фақат қоғозда битиладиган хаёлий фикрлар эмас, балки реал воқеликдир. Буни юртимизда ана шундай жамият учун муносиб, мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни ҳам яққол исботлаб турибди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлиши ҳамда қонунлар устуворлигининг таъминланиши ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг асосий шартларидан биридир. Шу боисдан ҳам, халқимизнинг сиёсий ва маънавий онгини юксалтириш, демократик тамойилларни шакллантириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини енгиллаштириш, қонунлар устуворлигини таъминлаш каби устувор вазифалар ўз-ўзидан парламент тизими ва унинг фаолиятини ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. Шу асно икки палатали қонунчилик органининг ташкил этилишинию унинг бугунги кундаги фаолиятини ҳам, энг аввало, Конституциямизда эътироф этилганидек, мамлакатимизда инсон омилига эътиборнинг юксаклиги аломати, деб тушуниш лозим.

Икки палатали парламентнинг ўтган давр ичидаги фаолияти қонунчиликда ҳудудлар таъсири, демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кучайиб, аҳоли ижтимоий-сиёсий онги ошиб, қонунчилик ҳокимияти мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар мавқеини, обрўсини ошириш, улар орқали фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш, уларнинг муҳим давлат масалаларини ҳал қилишдаги ролини кучайтириш ва бунда аҳоли манфаатларини, хоҳиш-иродасини тўла инобатга олиш заруратини вужудга келтирди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган ҳамда ҳозирда қабул қилинган, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан жамиятимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг амалий фаолиятида туб бурилиш ясади. Аниқроғи, бу ҳужжат давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, шунингдек, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатида оламшумул аҳамиятга молик бўлган ўзгаришларни келтириб чиқариши, сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи, ҳуқуқ ва ваколатларини сезиларли даражада ошириши, мамлакатимиздаги ислоҳотлар ривожи, қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятининг такомиллашуви юзасидан реал имкониятлар яратиб бериши аниқ.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

---

**Давра суҳбати**

***Шу кунларда халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқлари Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигини кенг нишонламоқда. Ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий анъаналари ва жаҳон тажрибаси уйғунлигида ишлаб чиқилган Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда давлат суверенитети, демократия ва ижтимоий адолат ғояларининг устуворлиги мужассамлашган.***

# Конституция ва ёшлар

Айни шу қоидалар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг ҳуқуқий асосидир. Шу маънода, Конституциянинг туб моҳиятини англаш ва унда белгиланган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга садоқат ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Бунинг аҳамиятини ёшлар онгига чуқур сингдиришда эса оммавий ахборот воситалари асосий аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот нашрлари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Мазкур тадбирда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси" мавзуида сўз борди.

"Камолот" ЁИҲнинг мажлислар залида бўлиб ўтган ушбу давра суҳбатида Конституциянинг мамлакат ва фуқаролар ҳаётидаги ўрни, босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали унинг мазмунини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар орасида мамлакат Асосий Қонунининг ўрганилиши сингари масалалар ўртага ташланди. Тадбирда, шунингдек, "Конституция — мамлакатни демократлаштиришнинг ҳуқуқий асоси", "Аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантиришда Конституцияни ўрганишнинг аҳамияти», "Жамият ҳаётини демократлаштиришда ОАВнинг ўрни" каби мавзуларда чиқишлар қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот нашрларининг бош муҳаррирлари, "Камолот" ЁИҲ фаоллари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА КЎЗГУСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонунларга биноан, хориж ишбилармонлари учун кўплаб имтиёзлар яратилган. Жумладан, солиқ турлари камайтирилиб, айримлари эса бутунлай бекор қилинган. Шунингдек, тайёр кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уларни ички бозорда сотадиган қўшма корхоналар 2009 йилнинг 1 январигача қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқ ва йиғимлардан озод этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра эса, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарини такомиллаштириш, қайта жиҳозлаш билан боғлиқ 94 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2005-2008 йилларга мўлжалланган бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ўтган давр мобайнида ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш баробарида аҳолини тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳажми кескин даражада ошди, минглаб янги иш ўринлари яратилди, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалди.

Тадбир доирасида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарлар давомида шу ҳақда, Ўзбекистоннинг тўқимачилик истиқболи хусусида сўз борди. Иштирокчилар "Спентекс Тошкент-Тўйтепа" хорижий компанияси, "Бурсель текстиль" ҳамда "Мурувваттекс" қўшма корхоналарига ташриф буюриб, уларнинг иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар.

Айниқса, иштирокчиларда Чирчиқ шаҳридаги "Бурсель текстиль МЧЖ" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг иш фаолияти катта қизиқиш уйғотди. Маълумот учун айтиш мумкинки, ушбу корхонанинг умумий лойиҳа қуввати 39 млн. 952 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бу йирик мажмуада йилига салкам 60 млн. дона 10 турдаги кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, уларнинг жаҳон бозоридаги харидоргирлиги кундан-кунга ортиб, маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт қилинмоқда.

Кўргазма давомида томонлар ўртасида маҳсулот олди-сотдиси, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, биргаликда устувор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ортиқ 200 га яқин шартнома имзоланди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кўргазмадан лавҳа.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

---

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конституциямиз инсон билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими, ушбу ҳужжат инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлими Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг (1948 йил, 10 декабрь) барча принцип ҳамда қоидаларига тўла-тўкис мосдир. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар кўлами инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили конституциявий даражада акс эттирилганлигидан далолат. Аслида ҳам Конституция инсон учун яратилган ва унинг манфаатларига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Конституциямиз жамиятда демократия ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг кафолатидир. Мустақилликка эришилгач, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчлари янгича мазмун ва маъно касб этди. Яъни, бу моҳият Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг замон талаб қиладиган демократик принциплар ҳамда инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари ва миллий хусусиятларимизнинг ўзаро уйғунлиги қонуний мустаҳкамланганида ёрқин кўзга ташланади.

Юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнида ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, жамият ва давлатни идора этишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилаётир. Чунки фақатгина истиқлолнинг ҳаётбахш заминида янги демократик қадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва уларнинг эрки асосий бойлиги бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий тузилмалар қарор топишига имкон туғилади.

Конституция ҳуқуқий давлатни қарор топтиришга даъват этилган ижтимоий-сиёсий асос бўлибгина қолмай, балки шахс эркинликлари, ор-номуси ва шаънини ҳимоя қилишни таъминлашнинг зарур шарти, сансалорлик, маҳаллийчилик ва тор идоравий манфаатга қарши кураш воситаси, халқ ҳокимиятини амалга ошириш шаклидир.

Конституциянинг асосий тамойилларидан яна бири демократизмдир. Халқнинг ҳаётий тажрибаси, миллий ва маданий анъаналар, барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мос келадиган асл демократияни вужудга келтириш катта сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Хусусан, Ҳаётимиз Қомусининг муқаддимасида халқнинг демократия ва ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларига бўлган садоқати алоҳида таъкидланган.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим конституциявий принципларидан бири давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллигидир. Жумладан, Конституциянинг 19-моддаси "Ўзбекистон Республикасида фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар" деган нормани мустаҳкамлайди. Чиндан ҳам, юртимиз қонунчилиги давлат суверенитети, қонунинг устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадриятлилиги принципини юксак баҳолайди.

Ушбу ҳужжатда ҳуқуқий давлатнинг иккита зарурий шарти, яъни Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳамда ҳокимиятларнинг тақсимланиши асосий принциплар сифатида келтирилган.

Ўзбекистон Конституцияси юксак нуфузли қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик тамойилларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

15 йил мобайнида Асосий Қонунимиз сиёсий ҳамда ҳуқуқий эркинликнинг улкан тимсоли сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси эъзозловчи мўътабар ижтимоий қадриятга, олий маънавий неъматга айланди.

**Насимжон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

---

# КАРДИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиббиёт муассасалари — қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти йўлга қўйилди.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилиши эса халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, жаҳон тиббиётининг диагностика ва даволаш борасидаги юксак технологияларини ўзлаштириш ҳамда улардан амалда оқилона фойдаланиш имкониятини яратаётир. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида ташкил этилган ана шундай тиббиёт муассасаларидан бири — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Мазкур шифо масканида стационар ва амбулатор шароитда ҳар йили қарийб 35 минг нафар беморга маслаҳат-ташхис ва даволаш хизмати кўрсатилади.

Олимларимиз ва шифокорларимиз юрак хасталикларининг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда татбиқ этиш юзасидан кенг кўламли изланишлар олиб бораётирлар. Бунинг натижасида юрак-ишемик касалликлари диагностикаси ва даволаш жараёнларини, миокард инфаркт асоратларининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

— Ўзбекистон кардиология мактаби жаҳон тиббиёти билан тенг суръатларда ривожланмоқда, — дейди Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси илмий котиби, профессор Сергей Наконечников. — Баъзи йўналишлар бўйича ўзбекистонлик олимлар эришган юксак марралар эса кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Аритмология соҳасидаги ютуқлар бунга мисол бўла олади. Олимларингиз аритмия, яъни юракнинг нотекис уриши билан боғлиқ ҳолда кечадиган хасталикларни даволаш мақсадида ишлаб чиққан "Аллапинин" доривор препарати жаҳон тиббиётидаги энг самарали шифо воситалари қаторидан ўрин олди.

Икки кун давом этадиган анжуманда кардиология ва кардиожарроҳлик соҳасида қўлланилаётган янги технологиялар, юрак, қон-томир хасталикларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш борасидаги ютуқ ва тажрибаларга оид маърузалар тингланади. Аритмология мактаби машғулотлари ўтказилади, вилоятлардаги кардиодиспансерлар фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Таянч масканлари гавжум

***Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг октябрь ойидаги мажлисида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг таянч масканларини ташкил этиш вазифаси қўйилган эди.***

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртларидан 14 таси негизида Марказнинг таянч масканлари ташкил этилиб, Низоми ва фаолияти бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу масканлар зарур техника жиҳозлари билан таъминланди, малакали кадрлар жалб этилди ва етакчи олимлардан иборат кенгашлар тузилди. Хусусан, Фарғона политехника институтида 10 та замонавий компьютер, принтер ва ўқув мебеллари, шунингдек, юзга яқин тингловчи сиғадиган аудитория ажратилиб, таянч маскан ихтиёрига берилди. Кенгаш аъзолари — институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Конституциямиз байрами муносабати билан жойларда суҳбат ва учрашувлар уюштирмоқдалар. Биринчи бор сайловда қатнашаётган ёш сайловчиларга эса эслатмалар тарқатилди.

**А. ҚУТБИДДИНОВ.**



# «ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ

барча ватандошларимизни

мустақил Ўзбекистон Республикаси

**Конституциясининг**

15 йиллиги билан

самимий муборакбод этади!

*Барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатларингизда улкан зафарлар тилаймиз.*


# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Шахтадаги фожиа



***Хитойнинг Шаньси музофотидаги шахтада метан гази портлади. Натижада 40 нафар кончи ҳалок бўлди, 88 нафари эса ер остида қолиб кетди.***

«AFP» хабарида айтилишича, уларнинг 14 нафари қутқариб олинган. Қолганларининг тақдири ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

Хитой оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, сўнгги йилларда мамлакат шахталарида кўплаб бахтсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Биргина 2006 йилда 4700 нафар кончи шундай ҳалокатлар қурбонига айланди.

## ЕИ ёрдамга тайёр

**Молдова Президенти Владимир Воронин расмий сафар билан Брюсселда бўлди. У ЕИ раҳбарлари билан Европа Иттифоқи ва Молдова ўртасидаги муносабатларни муҳокама қилди. «ИТАР-ТАСС» хабарига қараганда, музокаралар якунида расмий Брюссель Молдовага 210 миллион евро миқдорида кредит ажратишга қарор қилган. Бундан ташқари, ЕИ Молдованинг мамлакат яхлитлиги учун курашини ҳам қўллаб-қувватлайди.**

## Жиноятчилик бўйича пешқадам



АҚШ суд статистикаси бюроси томонидан кеча тарқатилган маълумотга кўра, мамлакатда ҳар 100 минг аҳолининг 750 нафари қамоқда сақланмоқда. Бундан ташқари, 5 миллион фуқаро шартли қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Статистика бюроси маълумотларида таъкидланишича, сўнгги 30 йилда АҚШда жиноятчилик беш баравар ошган. «Reuters» хабарида айтилишича, жиноятчиликнинг кўплиги бўйича Америка жаҳонда биринчи ўринда туради.

## Йўл ёқасидаги портлаш



Шри-Ланкада террорчилик амалга оширилди. Маҳаллий полиция вакилининг таъкидлашича, йўл четига қўйилган портловчи модда йўловчи автобус яқинлашганда портлатиб юборилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 15 нафар йўловчи ҳалок бўлган, 38 нафар киши жароҳатланган.

«AFP» мухбирининг ёзишича, бу фожиага «Тамил йўлбарслари» террорчилик гуруҳи алоқадор бўлиши мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


POWERED BY
ISUZU
ЭНДИ ЛИЗИНГ ГА
O'ZAVTOSANOAT LEASING



(371) 267 40 18, 267 41 18
Маҳсулот сертификатланган

Российский
Обои линолеум виниловые
тел. 234-48-11
факс 234-49-58
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.*

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

NURON
Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй.
Тел.: 294-60-60.
Факс: 120-74-93.
www.nuron.uz
Маҳсулот сертификатланган.

Сервер
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

LCD Мониторлар
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил

Ноутбуклар
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS

Шахсий компьютер FSC
ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил



Drive your way
Тел.: 250-11-11, 250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.
Маҳсулот сертификатланган.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai-motor.com

O'ZSANOATQURILISHBANK

***Шу кунларда «Ўзсаноатқурилишбанк» ходимлари мазкур молия муассасаси ташкил этилганлигининг 85 йиллигини нишонламоқдалар. Мустақиллигимиз шарофати билан ушбу банк мамлакатимиз молия бозорининг сардорларидан бирига айланди. Зеро, ҳозирги кунда у универсал банк сифатида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналари ва ташкилотларига комплекс молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ўзининг бутун фаолиятини давлатнинг капитал қурилиш соҳасидаги сиёсатини амалга оширишга қаратган мазкур банкнинг иқтисодий ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеини, очиғи, бир сўз билан айтиш қийин. Негаки, ўтган давр мобайнида бу банк тор доирадаги идоралар ва вакиллик пунктларидан мустақил мамлакатимизнинг йирик молиявий-иқтисодий муассасасига айланди.***

***Мухбиримиз «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси ўринбосари Муҳаммад МИРЗАБОЕВ билан унинг бугунги фаолияти, яқин ва узоқ истиқболдаги вазифалари хусусида суҳбатлашди.***





# «Ўзсаноатқурилишбанк»: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

## Истиқболга чорлаган ислоҳот

**— Муҳаммад Куролович, «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз фаолияти давомида жуда катта тарихий йўлни босиб ўтганлиги барчага равшан. Аммо у мустақиллик йилларидагина республикамиздаги етакчи универсал тижорат банки мавқеига эришди...**

— Фикрингизга қўшиламан. Банкимизнинг тарихи Ўзбекистон иқтисодиёти равнақи билан чамбарчас боғлиқ. У Савдо-саноат банки номи билан 1922 йил 28 октябрда операцияларни амалга оширишга киришган эди. Дастлаб банк зиммасига халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш ва кредитлаш вазифалари юкланди. Сўнг оғир, енгил, маҳаллий саноат, таъминот, ташқи савдо ташкилотларининг капитал қурилишини молиялаштириш функцияларини бажарди. Тўғри, шунга ҳамоҳанг равишда унинг номи ҳам ўзгариб борди. Лекин «Ўзсаноатқурилишбанк» мустақиллигимиз сабаб мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди.

Ҳозирги вақтда банкимиз 48 та филиал, 158 та омонат кассаси, 155 та валютага айирбошлаш пункти, 89 та минибанкка эга бўлган йирик молия муассасаси ҳисобланади. Моҳиятан у мамлакатимизнинг барча минтақаларида иш олиб бормоқда. Унинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг базавий тармоқларида кенг кўламли инвестицион фаолиятни амалга ошириш, йирик инвестицион лойиҳаларни хориж сармоясини жалб этган ҳолда маблағ билан таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистонни ривожлантириш ижтимоий дастурларини молиялаштиришдан иборат.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилган пайтда (1991 йил) унинг Низом сармояси 250 минг сўм бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 34,6 миллиард сўмга етди. Келгусида уни босқичма-босқич ошириб бориш режалаштирилган. Айни пайтда банкимизнинг ўз маблағи 83,1 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банк томонидан даромадлар, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўсишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Мамлакат иқтисодиёти реал секторининг корхоналарини молиялаштириш ва кредитлаш банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда кредит маблағларининг аксарият фоизи мазкур секторга йўналтирилмоқда.

## «Мижоз манфаати — ҳамма нарсадан устун»

**— Маълумотларга қараганда, бугунги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк» 30 мингдан ортиқ корпоратив ва 900 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатаётган экан. Айтингчи, шунча мижоз билан ишлашда асосан нималарга эътибор берилади?**

— Банкимиз мижозлар билан ишлашда ўзаро фойдали ҳамкорлик тамойилига таянади. Ўз фаолиятини ҳамиша уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини тўлиқ қондиришга қаратади. Янада аниқроқ айтганда, биз «Мижоз манфаати — ҳамма нарсадан устун» деган шиорга амал қиламиз. Шу билан бирга, ўзимизни нобоп шериклардан холи қилиш учун мижозларни, улар томонидан кредит ва фоизларни қайтарилиши имкониятларини ўрганишга алоҳида аҳамият берамиз. Табиийки, бу усул кредитлашнинг ишончли ва мустаҳкам тизимини яратишга имкон туғдирмоқда.

**— Демак, сизлар нафақат кредит жамланмасининг ўсишини таъминлашга, балки берилаётган кредитларнинг сифатига ва уларнинг даромадлилигига ҳам алоҳида эътибор қаратаётган экансизларда...**

— Албатта. Бундан ташқари, бизда кредитлар беришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган бўлиб, кредит жамланмаси узлуксиз мониторинг қилиб борилади. Банкнинг бу соҳадаги сиёсати мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишидаги сўнгги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. У мижозларни кредитлаш жараёнидаги барча муносабатларимизни тартибга солиб туради.



***Агар банк мамлакат манфаатларини кўзда тутиб фаолият юритса, унинг иқтисодий салоҳияти ва мавқеини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилса, шунча обрў-эътибор орттириб, халқ ишончига сазовор бўлади.***

▼ **Банк тизими**

## Ғамхўрликнинг амалий ифодаси

**— Муҳаммад Куролович, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва унинг филиалларида Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини бажариш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Аввало, шуни айтиш керакки, Президентимизнинг мазкур Фармони оила, унинг келажагига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат боис ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши ва меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, иккинчидан эса, уй-жой ҳамда маиший шароитини яхшилаб олиши учун янада кенгроқ имконият яратилди.

Фармон эълон қилинганидан кейин у барча филиалларимизда атрофлича ўрганиб чиқилди. Эътибор беринг, жорий йил мобайнида 1725 нафар ёш оилага жами 8,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу — шунча оилага файзу барака ва фаровонлик кириб борди, дегани. Банк келгусида ҳам ёш оилаларга ҳар ойда 4 миллиарддан кам бўлмаган миқдорда кредит маблағлари ажратишни режалаштирган.

Дарҳақиқат, халқимизда «Оила бой бўлса, мамлакат бадавлат бўлади» деган нақл бор. Шу маънода, ушбу ҳаётбахш Фармон талабларининг тўлиқ ижро этилиши юртимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ёш оилаларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилинишига ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшиланишига замин яратади. Шу боис мазкур ҳужжат инсон, унинг манфаати, баркамол авлод келажаги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида халқимизнинг кўнглини кўтариб юборгани айни ҳақиқатдир.

## Тадбиркорликни қувватлаш — устувор йўналиш

**— Шу ўринда, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш қандай йўлга қўйилганлиги хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Бу соҳа «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъетларига 79,4 миллиард сўмликдан кўпроқ, шу жумладан, инвестицион лойиҳаларга 61,6 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Бунинг 5,5 миллиард сўми микрокредитлардир.

Бундай тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» фақат ўз маблағларидан фойдаланиш билан чекланиб қолмай, республикамиз бюджетдан ташқари махсус фондлари билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Негаки, бу соҳани ривожлантириш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини ва инвестицияларни жалб қилиш орқали янги иш жойлари яратилишини таъминлайди. Ўз навбатида, банкимиз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш, берилаётган кредитлар ҳажмини ошириш орқали бунга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозирда кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида банк томонидан Германия, Италия, Чехия ва Хитой молия муассасалари кредит линиялари жалб қилинганлиги фикримиз далилидир.

## Ҳам ишончли, ҳам кафолатли усул

**— Аҳоли бўш маблағларини банкларга кенгроқ жалб этиш тижорат банклари фаолиятида муҳим жиҳат ҳисобланади. Шундай эмасми?**

— Албатта. Шу боис ҳам банкимиз томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга мумкин қадар жалб қилиш учун юқори даромадли, жозибадор янги омонатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Ҳозирги кунда шу мақсадда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан анча юқори фоизли ва омонатчиларга маъқул бўладиган «Сармоя», «Саломатлик», «КВ-1», «Танлов», «Маиший хизмат тўлови», «Тезкор», «Капитал плюс», «Ажойиб», «Ғаройиб», «Кўклам», «Шодиёна», «Фойдали», «Тақдим этувчига» ҳамда «Капитал» номли муддатли ва жамғариладиган омонатлар бўйича аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги бўш пул маблағлари қабул қилиш ишлари давом эттирилиб, йиллик 18-30 фоиз ҳисобидан даромад тўланмоқда.

Аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлигини камайтириш ва банк ресурс базасини кўпайтириш мақсадида жорий қилинган «Маиший хизмат тўлови» омонатига эса йиллик 22 фоиз ҳисобидан даромад берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 264-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида **«Сюрприз»** пул ютуқли омонати ҳам жорий қилинган бўлиб, ҳар йили икки бор ютуқлар тиражи ўтказилмоқда.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя» йили деб эълон қилиниши муносабати билан пенсионерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан йиллик 26 фоиз даромад тўлаш шарти билан «Эъзоз» омонати жорий этилди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Саховат» омонати жорий қилиниб, йиллик 30 фоиз ҳисобидан даромад тўланмоқда.

Банк томонидан таклиф қилинаётган бундай жозибадор омонатлар аҳолининг таклиф ва истаклари асосида, улар учун қулай, фоизлари юқори этиб жорий қилингани, фуқароларнинг банклардаги омонатларини Кафолатлаш фонди томонидан кафолатланганлиги, устига устак, биринчи талаб қилинишдаёқ омонат қайтарилиши ҳаммага манзур бўлмоқда.

Яна бир гап. Банк томонидан Халқаро VISA пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, бугунги кунда ундан 1363 та корхона ва ташкилот, 360.029 нафар жисмоний шахс самарали фойдаланиб келмоқда. Муомалага чиқарилган ушбу пластик карточкалари орқали «Навоийазот», «Фарғонаазот», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона механика заводи каби ўнлаб корхона ва ташкилотларнинг ишчи ходимларига маош бериш ҳам йўлга қўйилган.

## Малакали кадрлар — муваффақиятлар гарови

**— Банкдаги кадрлар сиёсати ҳақида ҳам гапириб берсангиз...**

— Банк менежментини такомиллаштириш ва кадрлар сиёсатини яхшилаш учун биз ташкилий тузилиш ва кадрларни бошқаришни мақбул ҳолга келтириш масалаларига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу боис ходимларнинг ўз ишини пухта билиши ва яхши ўйлаб чиқилган кадрлар сиёсати кўп жиҳатдан банк фаолиятининг самарали бўлишига ёрдам бермоқда. Билasизми, агар раҳбарият хизматчи-ходимларга, уларнинг тайёргарлиги ва малакасини оширишга доимо эътибор билан қарамаганида, мамлакат молия бозорида «Ўзсаноатқурилишбанк» ўзининг мавқеини сақлаб қолиши қийин бўларди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, банк кадрларининг янги авлодини тарбиялашга ҳамиша алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Очиғи, банкимизда ишлаб, тажриба орттирган кўплаб мутахассислар бугунги кунда бошқа банкларда фаолият кўрсатишмоқда. Бу билан республика банк тизимининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаб, бозор ислоҳотлари чуқурлашишига кўмаклашаяптилар. Шунинг учун ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳақли равишда банк секторининг кадрлар ўчоғи, деб аталиши бежиз эмас.

## Мақсад моҳиятни белгилайди

**— Муҳаммад Куролович, суҳбатимиз сўнггида банк тизимининг ривожланиш истиқболлари, бугунгидек катта рақобат шароитидаги стратегик мақсадлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида, юқорида айтилганидек, «Ўзсаноатқурилишбанк» йирик инвестиция муассасасига айланди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг замирида, аввало, ҳукуматимизнинг банк тизимига бўлган алоҳида эътибори, қолаверса, ходимларимизнинг тинимсиз меҳнатлари ётибди. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, у бугунги кунда капитал қурилишни молиялаштириш, назорат қилиш, қисқа ва узоқ муддатли кредитлашни амалга ошириш, шунингдек, ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва ўтказиш вазифаларини бажариб келаяпти. Аммо бу биз учун охирги манзил эмас.

Келгусида амалга оширилиши мўлжалланаётган вазифалар кўлами жуда кенг. Зеро, ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишига бевосита боғлиқдир. Шу маънода, эришилган натижалар билан кифояланмасдан, аксинча, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, муомала маданиятини юксалтириш, янги-янги банк хизматларини жорий этиш ва мавжудларини такомиллаштиришимиз лозим. Хусусан, 2010 йилгача банк Низом жамғармасини 130 миллиард сўмга, жами жамғармани 180 миллиард сўмга етказиш режалаштирилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан маъқулланган «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришни чуқурлаштириш дастури» ҳамда «Бўш пул маблағларини банк айланмасига янада кенг жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури» республикамиз банк тизими, хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг келгуси ривожига замин яратади.

Бундан ташқари, банк 2010 йилгача аҳоли қўядиган жамғарма миқдорини 273 миллиард сўмгача кўтаришга ҳаракат қилади. Умуман олганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» бундан кейин ҳам ҳар қандай мижоз билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрдир. Уларга сифатли хизмат кўрсатиш, шунингдек, активларини фойдали ва самарали тарзда жойлаштириш кафолатланади. Шундай экан, «Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорлик қилган киши ютқазмайди.

**Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.**



- ***«Ўзсаноатқурилишбанк» — мамлакатимизнинг етакчи универсал тижорат банки ҳисобланади.***
- ***Бугунги кунда банк 48 та филиал, 158 та омонат кассаси, 155 та валюта айирбошлаш пункти ва 89 та минибанкка эга.***

- ***Ҳозирги кунда банкнинг Низом сармояси 34,6 миллиард сўмни ташкил этади.***
- ***Банкнинг ўз маблағи 83,1 миллиард сўмга тенг.***
- ***Айни пайтда банк акциядорларининг умумий сони (шу йил 1 ноябрь ҳолатига кўра) 35842 нафарни ташкил этмоқда.***

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

***Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани маҳаллаларида истиқомат қилувчи жисмоний имконияти чекланган болалар учун махсус кўмак пункти очилди.***

# Меҳримиз сизга армуғон!

Ушбу маскан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, World Vision International — Бутундунё социал ривожланиш лойиҳаларини амалга оширувчи гуманитар ташкилот ҳамда республика Болалар ижтимоий адаптация маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Пункт фаолиятини мувофиқлаштиришда туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла идораларининг вакиллари, туман ижтимоий таъминот, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари фаол иштирок этмоқда.

— Бу ерда туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда ногирон болалар ва уларнинг оилаларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилади, — дейди Яккасарой тумани ҳокимлиги маънавият бўлими мудири Г. Нурматова. — Бундан ташқари, ўсмирларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида турли ижодиёт марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Очилиш маросимида юртимиздаги бир қатор ташкилотлар болажонларга ўз совғаларини топширишди. Булар сирасига Японияда ишлаб чиқарилган тикув машиналари, ногиронлар аравачалари ва бошқа қимматбаҳо совғалар киради.

— Қизим Шодия 17 ёшда, у туғма ногирон, — дейди Умида опа Қосимова. — Тасвирий санъат, тикиш-бичишга қизиқади. Унга энг замонавий "Ямата" тикув машинасини совға қилишди. Асосийси, болам ўзи қизиққан юмуш билан шуғуллангач, одамларга фойдаси тегаётганини ҳис қилиб, тушкунликка берилмаяпти. Мушкулимизни осон қилган, ғамхўрлик кўрсатиб кўнглимизни кўтараётганларга минг раҳмат!

Ижтимоий кўмак пунктининг очилиш маросимида тумандаги жисмоний имконияти чекланган ўсмирларнинг наққошлик, тасвирий санъат, тикувчилик, зардўзликка оид буюмлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2008 йил 8 январь куни соат 15.00 да Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк савдога чиқарилмоқда:**

1. Суд ижрочиларининг Олтиариқ тумани бўлими томонидан 2006 йил 29 июндаги 15-06-03/6393-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Олтиариқ тумани, А.Йўлдошев кўчасида жойлашган «Ўрта Осиё тайёрловсавдо» жамоа корхонасига қарашли бино-иншоотлар (консерва цехи бино-иншоотлари).
*Бошланғич баҳоси — 64 150 441 сўм.*
2. Суд ижрочиларининг Тошлоқ тумани бўлими томонидан 2006 йил 31 июлдаги 15-06-06/5698-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Тошлоқ тумани, Тошлоқ шаҳарчаси, Нилуфар кўчаси, 63-уйда жойлашган «Тошлоқ автобус саройи»га қарашли бино-иншоотлар (бир қисм бино-иншоотлар).
*Бошланғич баҳоси — 78 930 000 сўм.*

**Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт:**

- *жисмоний шахслар учун транзит ҳ/р 29804000900000493415 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773;*
- *юридик шахслар учун ҳ/р 22622000904234776001 ЎзР ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773.*

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.**

1811Н/2232

**Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**телекоммуникация ва компьютер техникасини етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.**

Танлов ўтказилиши тартиби ҳақидаги маълумотни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
**Тошкент ш., А. Қодирий к., 13-«А» уй.**
Телефонлар:
**144-97-14, 144-97-62.**
Ички телефонлар:
**714, 762, 200.**
Факс: **144-22-96.**



Танлов таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида (якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

1778Н/2201



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**



**Ўлчаш диапазонлари:**
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

1505Н/1823


*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.*





***Мамлакатимизда энг янги технология ва ускуналар кенг қўлланиладиган замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалаларига катта эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда қимматбаҳо замонавий ускуналар, машина-механизмларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ вазифалар ҳам янада долзарб бўлиб бормоқда. Бу муҳим вазифаларни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Ушбу саволга «Fraser Avtoyuklovchi Servis» қўшма корхонаси фаолияти мисолида аниқ жавоб топиш мумкин.***

## *«Fraser Avtoyuklovchi Servis»:*

# «TOYOTA» АВТОЮКЛАГИЧЛАРИ ХАРИДОРГИР, СЕРУНУМ, ЗАМОНАВИЙ

Бу қўшма корхона жаҳонга машҳур бўлган «TOYOTA» компаниясининг автоюклагичларини сотиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга ихтисослашмоқда. Корхона иш бошлаган дастлабки кунлардаёқ унинг жамоаси зиммасига катта масъулият юкланганди. Яъни, фаолиятни шу даражада пухта ташкил этиш ва юқори савияда ишлаш зарурки, бу «TOYOTA» раҳбарияти ўзининг исталган мамлакатдаги шериклари олдига қўяётган талабларга тўлиқ мос келсин. Белгиланган даража ҳақиқатан ҳам жуда юқори эди. Зеро, япон компанияси нафақат автомобиль, тўқимачилик ускуналари ва бошқа техника воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида, балки сотилганидан кейин давом эттириладиган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари тизимини ташкил этиш чоғида ҳам ўзининг «Мизож ҳамма жиҳатдан мамнун бўлсин» тамойилига қатъий амал қилади.

Шу жиҳатдан қараганда, «TOYOTA» компанияси вакилининг 2006 йилда «Fraser Avtoyuklovchi Servis»га ташриф буюриши тасодифий эмасди. Унинг мақсади Ўзбекистон пойтахтида жойлашган бу қўшма корхонанинг техника базасидаги аҳволга холис баҳо бериш эди. Бу ўзига хос ташрифнинг натижаси эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. «Fraser Avtoyuklovchi Servis» қўшма корхонаси фаолиятининг «TOYOTA» компаниясида ишлаб чиқарилаётган автоюклагичларга сервис хизмати кўрсатишга қўйиладиган барча талабларга тўлиқ жавоб бериши тан олинибгина қолмай, корхонанинг техник мутахассисларини ўқитиш учун Ўзбекистонга биринчи марта махсус грант ажратилди.

— Бундай грант ҳаммага ҳам насиб этавермайди, — дейди Японияда олти ҳафталик ўқув курсини битириб келган корхона техник директори Алишер Ҳикматов. — Чунки номзодлар лозим даражада муҳандислик малакасига эга эканлиги бўйича олдиндан тест синовидан ўтишлари керак бўлади. Дарвоқе, ўқиш фақат инглиз тилида олиб борилиши сабабли, тест имтиҳонлари ҳам инглиз тилида олинади. Бизнинг турли мамлакатлардан келган мутахассислардан иборат гуруҳимиз мослашув даври ўтганидан сўнг «TOYOTA» компаниясининг энг йирик тренинг маркази жойлашган Нагоя шаҳрига юборилди. Ушбу марказ энг сўнгги техника воситалари билан жиҳозланган ва юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилган. Бу эса қисқа вақт ичида мукаммал даражада ҳам назарий, ҳам амалий билим олиш имконини беради.

Такахама шаҳридаги автоюклагичлар ишлаб чиқарувчи заводга уюштирилган экскурсиямиз, айниқса, бизда катта таассурот қолдирди. Бу ерда автоюклагичларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан такомиллаштирилган жараёнлардан, автоматлаштирилган ускуналардан фойдаланилади ва маҳсулот сифати жиддий назорат қилиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг энг юксак андозаларига тўлиқ амал қилинишини таъминлайди.

Ўқув курслари тугагач, биз бу ерда олган билимларимизни намойиш этиб, сўнгги финал тестини топширдик. Фақат ушбу синовлардан муваффақиятли ўтганларгина мунособлик сертификатларини олдилар. Японияда нималарни кўрган ва ўрганган бўлсак, табиийки, барчаси бугун корхонамиз жамоасининг кундалик ишида бевосита қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда «Fraser Avtoyuklovchi Servis» қўшма корхонаси «Сарбаст-Плюс», «Нестле», «Спентекс Ташкент Тойтепа», «УзБАТ», «Баракат-Альфа» ва бошқа замонавий корхоналарда самарали фойдаланилаётган қарийб 40 та «TOYOTA» автоюклагичига сервис хизмати кўрсатиш юзасидан шартномаларга эга.




«Fraser Avtoyuklovchi Servis» мутахассислари техникани ишлатишга оид йўриқномага мувофиқ, вақтида ташхис ўтказиш, техник хизмат кўрсатиш, жумладан, мой ва фильтрларни алмаштириш, гидравлик қисмларни созлаш, ёнилғи аппаратларини тозалаш ва бошқа мажбурий ишларни белгиланган вақтда бажариш мақсадида ҳар бир юклагичнинг ҳолатини диққат билан кузатиб бормоқдалар. Бунинг учун «Дамас» базасида агар узоқ вилоятлардаги юклагичларга техник хизмат кўрсатиш лозим бўлса, «Нексия» базасида барча керакли ускуналар билан бутланган кўчма устахоналар бевосита жойларга чиқади. Агар мой ва фильтрни алмаштириш ёки озроқ таъмир лозим бўлса, кўчма устахона керакли эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш ашёлари билан таъминланади. Улар махсус жамғармадан олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун зарур бўладиган бундай ашёларнинг ҳаммаси асл нусха бўлиб, юклагичларнинг ўзи ҳам шулардан тайёрланади. Албатта, омборда уларнинг айримлари баъзан йўқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда керакли эҳтиёт қисмга Япониядаги ишлаб чиқарувчига ёки ўзга мамлакатлардаги йирик омборхоналарга буюртма бериш ва мижоз билан келишиб, уларни Тошкентга келтириш мумкин.

Техника — бу темир дегани. Агар жиддий таъмир зарур бўлса, нима қилиш керак? Бу масалани, яъни уни жойига бориб тузатиш ёки қўшма корхонага олиб келишни мутахассислар ҳал қилишади.

Корхона ҳудудини айланган киши бу ердаги тартиб ва саранжом-саришталикни кўриб, ҳавас қилади. Ҳар бир хона алоҳида мақсад учун мўлжалланган. Уларнинг бирида диагностика учун фирма ускуналари, махсус асбоблар, эҳтиёт қисм ва фильтрлар учун тахта токчалар ясалган бўлса, ёнидаги хонада шиномонтаж пресси жойлашган. Яроқсиз ҳолга келиб қолган «супер-эластик» русумли қуйма шиналар ана шу пресс ёрдамида алмаштирилади. Автоюклагичларда фойдаланиладиган бу шиналар тешилиб қолиш ва бошқа техник-механик «жароҳат»ларга нисбатан ўта чидамлидир.

Агар қуйма шиналар аҳён-аҳёнда ишдан чиқиши назарда тутилса, автоюклагичларда ишлатиладиган юқори босимли гидравлик шланглар ҳақида бундай деб бўлмайди.

— Яқин вақтларгача биз бундай шлангларни тайёрловчидан олардик, — дейди Алишер Ҳикматов. — Кейинчалик уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилдик. Алоҳида хона ажратиб, сифатли ашё ва бутламалардан гидравлик шланглар йиғадиган замонавий технологияни келтириб ўрнатдик. Натижада нафақат автоюклагичлар учун, балки авиация, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, кон-разведка ва бошқа саноат соҳаларида ишлатиладиган техника воситалари учун ҳам шланглар тайёрлаш имконияти туғилди. Ҳозир қўшма корхонада аниқ буюртмалар асосида гидравлик шланглар тайёрлаш билан бирга, яроқсиз ҳолга келганларини таъмирлаш ҳам йўлга қўйилган.

«Fraser Avtoyuklovchi Servis» жамоасининг кундалик ишлари ва автоюклагичларга сифатли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун барча имкониятлар яратилган ишлаб чиқариш базаси билан танишган кишида шундай савол туғилиши табиий: «Ҳозир Ўзбекистонда 150 га яқин «TOYOTA» автоюклагичлари ишлатилмоқда. Шундан қарийб қирқтасига сизлар техник хизмат кўрсатаяпсизлар. Қолганлари нима бўлаяпти?»

Бу саволга қўшма корхонанинг ижрочи директори Искандар Солиҳов шундай деб жавоб беради:

— Биз ушбу автоюклагичлардан фойдаланаётганларнинг ҳаммасига ўз хизматларимизни тавсия этаяпмиз. Бироқ айрим корхоналар раҳбарияти «Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ўзимизнинг ҳам қўлимиздан келади» деб ҳисоблашади. Улар «Бунинг мураккаб томони йўқ, қўли гул усталар ҳамма ерда ҳам топилади» деб ўйлашса керак-да. Бундай ёндашувни оқлаш қийин. Нега деганда, «TOYOTA» енгил автомобилига эга бўлмиш корхонанинг раҳбари уларни кўрикдан ўтказиш ва техник хизмат кўрсатишни «кўча» автосервиси «моҳирлари»га ишониб топшира олмайди, аксинча, фирма техник хизмат марказига олиб бориши аниқ. Сабаби, бундай русумли автомобилнинг нархи юқори. Шу ҳисобда автоюклагичлар ҳам ўзига яраша қиммат туради ва уларга мунтазам ҳамда малакали хизмат кўрсатиб турилса, тез ишдан чиқадиган қисмлари вақтида алмаштириб борилса, узоқ йиллар самарали ишлайверади. Ҳатто кечаю кундуз тиндирмай ишлатилганда ҳам, аввал бошдаёқ конструкторлар томонидан асос солинган ишчанлик, хавфсизлик ва мустаҳкамлик каби сифатларини сақлаб қолади. Бу турли мамлакатларда кўп йиллар давомидаги амалиёт жараёнларида тасдиқланган, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Ишонамизки, бизнинг барча мижозларимиз ана шу оддий ҳақиқатни яхши англаб, замонавий, юксак самарали техникани харид қилгач, унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда ортиқча тежамкорлик қилмаслик зарурлигини тушуниб оладилар. Акс ҳолда, «Хасис икки карра чиқимдор бўлади» деганларидек, сифат даражаси паст мотор мойи ишлатилса ёки фильтр вақтида алмаштирилмаганлиги оқибатида қиммат турадиган қисмлар муддатидан олдин ишдан чиқиб, ортиқча чиқимдор бўладилар.

Шуни назарда тутиб, биз автоюклагичлардан фойдаланаётган барча корхоналарни ўзаро фойдали ҳамкорликка чақирамиз ва ҳар бир мижозимиз билан, унинг хоҳиш-истагига қараб, якка тартибда ишлашга тайёрмиз. Зеро, бундай тартиб «TOYOTA» компанияси билан алоқадор корхоналарда одат тусига кирган. Бу сизнинг автоюклагич учун киритган инвестиция маблағларингиз тўла сақланишига ёрдам беради.

**Сергей АЛЕКСЕЕВ.**

**Бизнинг манзил: 100155, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Нилуфар» кўчаси, 1-уй. Мўлжал: «Тошкент-Тола» пахта терминали.**

**Алоқа учун телефонлар: (+ 998 71) 115-42-56/58.**
**Факс: (+ 998 71) 115-42-57.**
**www.forklift.uz**

**Яхши хабар**

# Шоҳимардонда рақамли алоқа

Фарғона водийсининг энг сўлим гўшаси — Шоҳимардонга ташриф буюрувчи меҳмонлар, сайёҳлар энди бемалол халқаро русумдаги алоқа воситаларидан фойдаланишлари мумкин. Яқинда бу ерда Хитой ҳукумати кредити ҳисобига «ANDREW» фирмасида ишлаб чиқарилган рақамли телефон алоқа тизими ўрнатилди. Дунёнинг исталган мамлакатига чиқиш имкониятига эга бўлган ушбу замонавий ускуна денгиз сатҳидан 3000 метр баландликка ўрнатилди. Бу эса тоғ орасидаги аҳоли яшаш манзилларини сифатли алоқа билан таъминлаш ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш имконини берди.

Рақамли алоқа тизими билан бирга, «Перфектум Мобайл» уяли алоқа тизими узатгичлари ҳам ўрнатилиб, ишга туширилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ**

**«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ**




**Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.**

**ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР**

**ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР**

**Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.**

***Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!***

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**




**Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.**

# UzKDB Bank

барча юртдошларимизни мамлакатимиз Бош Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади!

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, омад, фаровонлик, бахт-саодат тилайди.*



ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

---

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# ДАТ «Асака» банки

барчани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан табриклайди!

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда зафарлар тилайди*

*ва сизларга ўз маблағларингизни омонатларга жойлаштиришни таклиф қилади.*

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**

Янги муддатли миллий валютадаги «ҲИМОЯ» омонати
Омонатнинг сақланиш муддати — 3 ой
Омонат бўйича тўланадиган фоиз миқдори — йиллик 28%
Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижозининг истагига кўра, ҳар ойда олиниши мумкин.
*Ушбу омонат турини банкнинг исталган филиалида очиш мумкин.*

*Бундан ташқари қуйидаги муддатли омонатларни тақдим этади:*

**МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА**

1. Миллий валютадаги муддатли «МАДАД-2007» омонати
Омонатнинг сақланиш муддати — 1 йил
Омонат бўйича тўланадиган фоиз миқдори — йиллик 30%
Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар коммунал, ўқиш ва бошқа тўловларни тўлаш учун юборилади.

2. Евро валютадаги муддатли «АКТИВ» омонати
Омонатнинг сақланиш муддати — 1 ой
Омонат бўйича тўланадиган фоиз миқдори — йиллик 8%
Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижозининг истагига кўра, олдиндан олиниши мумкин.
*Ушбу омонат турини банкнинг исталган филиалида очиш мумкин.*

**ДАТ «Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*Мурожаат учун телефонлар:*
*120-83-14, 120-39-95, 120-84-13, 120-84-26, 225-16-46, 257-44-10.*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

---

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни Бахтимиз Қомуси —*
**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги**
*билан муборакбод этади!*

*Юртимизга тинчлик-хотиржамлик, ҳар бир оилага тўкин-сочинлик ва фаровонлик тилайди.*

**ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

*Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни бошлаётган ёки ишлаб чиқаришингизни кенгайтираётган бўлсангиз, албатта, «Микрокредитбанк»ка мурожаат қилинг.*
***Таклиф сиздан — сармоя биздан.***

**Замонавий тўлов воситаси (электрон ҳамён) ҳисобланган «Микрокредитбанк» пластик карточкалари:**



— маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, машинага ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компаниялари ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга оширишда, шунингдек, савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир;
— сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади;
— сизга ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларидан нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.

Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.
«Микрокредитбанк» пластик карточкалари орқали йилига 20 фоиз даромад келтирадиган «Хазина карт» жамғармасидан фойдаланишингиз мумкин.

Шунингдек, пластик карточкалардан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкинлиги, карточкалар йўқолган тақдирда, қолган маблағларингиз янгисига ўтказиб берилиши билан ҳам қулай саналади.



**Омонатга қўйилган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

**«Микрокредитбанк» жисмоний шахсларга ўзининг йиллик 24 фоизли «Нурафшон», «Мафтункор», 20 фоизли «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Хотира», 19 фоизли «Кумуш тола», 18 фоизли «Орзу», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тежамкор-коммуналчи», «Она юрт», «Ҳомий», «Шифокор», «Мучал тўйи», «Омад» сингари жами 21 хилдаги омонат турларини таклиф этади.**

**Омонатингизни асраб-авайлаймиз ва кўпайтирамиз!**

*Хизматлар лицензияланган*

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-28-11, 173-43-11, 173-05-86, 173-15-81.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, Лутфий кўчаси, 14-уй.

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

## IPOTEKA BANK

*Ҳурматли ҳамюртлар, ҳамкорлар ва ҳамкасблар!*

**«Ипотекабанк»**

Сизни давлатимиз Қомуси — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан табриклайди!

**Байрам муносабати билан Сизларга қуйидаги жозибадор омонатларимизни таклиф этамиз:**

| Омонат номи | Муддати | Йиллик фоиз ставкаси | Минимал миқдори | Фоизларни тўлаш тартиби |
|---|---|---|---|---|
| «Адолат-2» | 6, 12, 18 ойга | 24%, 26%, 28% | 100 000 сўм | Ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин |
| «Зиё» | 15 кун, 1 ой, 45 кун, 2 ой | 26% | 500 000 сўм | Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади |
| «Қадрият» | 3 ой | 24% | 50 000 сўм | Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади |

**Мурожаат учун телефонлар: 8-(371) 150-89-56, 150-89-58.**

Омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

*«Ипотекабанк» капиталингиз кўпайишига имконият яратади.*

Хизматлар лицензияланган.

AKSIYADORLIK INNOVATSIYA TIJORAT BANKI

## BANK IPAK YO'LI

Ўзбекистон халқини

**Конституция куни**

билан табриклайди!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва Ватан тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларингизга муваффақият тилаб қолади!

***«Ипак йўли» банки жамоаси.***

Хизматлар лицензияланган

*Қадрли юртдошлар!*

## «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ ЖАМОАСИ

*Ватанимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати бўлган Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!*

**Гўзал ва ҳур замонда, улкан имкониятлар диёрида фахр-ифтихор туйғулари билан яшаб, мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз тинч-тотувлиги йўлида олиб бораётган самарали ишларингизга ривож ва куч-қувват тилаймиз!**

▼ Мутолаа




# Ижтимоий атамалар изоҳи

***Иқтисод фанлари доктори, профессор Муҳаммадали Саидов ва бошқа олимлар томонидан тузилган “Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати” мазмун-мундарижаси билан алоҳида эътиборга молик китобдир.***

Мазкур луғат-маълумотномани тузиш ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Зеро, истиқлол туфайли мамлакатимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли кенг қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида эътибор ва беқиёс ғамхўрлик изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши ўтган йилларнинг мантиқий ҳосиласи бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки бу йиллар мобайнида аҳоли муайян қатламининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, 2007 йилга келиб, уларнинг барчаси жамулжам қилинди.

Мазкур луғат-маълумотномада муаллифлар ижтимоий ишлар моҳияти, мазмуни, шакллари ва усулларини батафсил ёритишган. 650 дан ортиқ мақолани ўз ичига олган ушбу луғат ғояларини амалга оширишда муаллиф-олимлар бир қатор манбаларга таяниб иш олиб боришгани яққол намоён бўлади. Жумладан, ўзбек, инглиз, рус тилларидаги изоҳли, энциклопедик луғатлар, ҳар бир соҳага доир адабиётлардан фойдаланилган, тушунчалар мазмун-моҳиятини очиб беришда тор соҳавий ёндошишдан қочиб, муфассал маълумот беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, унда киритилган изоҳларда тушунчаларнинг муқобил маънолари ҳам берилганлиги ўқувчилар учун ҳар жиҳатдан қулайлик яратади. Айнан мана шу жиҳат мазкур нашрда баъзи атамаларни бошқа нашрлар — фалсафа, психология, этика, иқтисодёит ва шу каби йўналишлардаги терминлардан фарқли тарзда тавсифлаш имконини беради.

Мазкур луғат ижтимоий ишлар билан шуғулланувчи барча даражадаги мутахассислар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар учун қўлланма вазифасини ўтайди.

**Сардор ТОШТУРДИЕВ.**

# КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

***4-5 декабрь кунлари Жиззахда республика умуммамлакат анъанавий марафонининг финал босқичи бўлиб ўтди.***

Марафон

— Дастлабки икки босқичда минглаб югурувчилар орасидан 12 нафар спортчини танлаб олгандик, — дейди Фарғона вилояти жамоаси мураббийи Аваз Исломов. — Улар орасида республика чемпиони Екатерина Тунгускова, Ўзбекистон биринчилиги ғолиблари Ҳасан ва Ҳусан Эргашевлар каби таниқли спортчилар бор.

Марафонни қизлар жамоалари 5 километр масофага югуришдан бошлаб бердилар. Жиззах Олимпия захиралари коллежи ва Гандумтош қишлоғи оралиғида бўлган мусобақада 17 ёшдан катта қизлар ҳамда аёллар ўртасида Сурхондарё вилояти вакили Ситора Ҳамидова, 17 ёшгача қизлар ўртасида эса фарғоналик Марина Хмелинская ғолиб чиқди.

Шундан сўнг стартга 17 ёшгача бўлган ўғил болалар ҳамда 17 ёшдан ошган катталар чиқишди. Улар 10 километрлик масофани босиб ўтишлари лозим эди. Марафончиларни Жиззах шаҳридаги «Сайилжойи» маҳалласи, Жиззах туманидаги Охунбобоев ҚФЙнинг минглаб аҳолиси, ўқувчи ёшлар қўллаб-қувватлаб туришди.

Фарғона вилояти спортчиси Ҳасан Эргашев (17 ёшгача) мураббийлари ишончини оқлаб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Катта ёшдаги спортчилар беллашувида Тошкент вилояти вакили Андрей Петровдан ўзадиган пойгачи топилмади.

Тадбир сўнгида «Марафон маликаси», «Энг ёш югурувчи», «Энг кекса югурувчи», «Энг чидамкор спортчи» каби ўнлаб номинациялар соҳиблари ҳам аниқланиб, эсдалик совғалари топширилди.

Умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, наманганлик марафончилар учинчи ўринларни эгаллашди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ МАСКАН

***Бундан 9 йил муқаддам қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш услублари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари бунёд этилди.***

▼ Саломатлик

Чунончи, республика Ихтисослаштирилган урология маркази бугунга келиб Марказий Осиёдаги йирик ва нуфузли шифо масканларидан бирига айланди.

Марказ энг сўнгги русумдаги замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Айтиш жоизки, марказ биносидаги шарт-шароитлар, беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат малакаси йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Шу боис, бу ерда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон Республикаларидан келган беморларни ҳам учратиш мумкин.

Урология маркази Европа Урологлари ассоциацияси аъзосидир. Бинобарин, Россия, Исроил, Австрия, Корея Республикаси билан даволашнинг янги усуллари борасида ҳамкорлик алоқалари ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. 2004-2007 йиллар давомида марказда 4 та номзодлик ва 1 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. 28 нафар шифокор хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтди.

Энг муҳими, Урология марказига мурожаат қилган беморлар ўз дардларига шифо топаяптилар. Юқори даражадаги тиббий хизматдан, эътибордан, ғамхўрлигу меҳрдан кўнгиллари хушнуд, шукроналари дилларидан тилларига кўчаяпти.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** марказ ходимлари фаолиятидан лавҳа.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**


МТСдан янги йил таклифи!

**“Янги йил рақамлари”**
Дўстларингиз билан тунда
**БЕПУЛ** мулоқот қилинг!

“Янги йил рақамлари”ни ўрнатиш:
***111*881*<халқаро кўринишда телефон рақами>#**
Масалан, 1030909 рақамли Тошкент шаҳри абоненти учун: *111*881*998971030909#

**“Янги йил SMSлари”**
Шанба ва якшанба кунлари
**БЕПУЛ** SMSлар!

Хизматни ёқиш: ***111*991#**

Эслатма:
**Янги йил рақамлари:**
– хизматни улаш – $1 (автоматик равишда биринчи рақам ўрнатилганда)
– “Уздунробита” рақамларидан 10 та янги йил рақамларига қўнғироқлар
– ҳар куни 00:00 дан 06:00 гача бўлган қўнғироқлар
**Янги йил SMSлари:**
– хизматни улаш – $1
– “Уздунробита” ХКси тармоғи ичида барча SMSлар

Акциянинг амал қилиш муддати чекланган

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар “Уздунробита” компанияси томонидан тақдим этилади.
Тўловлар сўмда ЎзРси МБнинг курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

0890 (+998 97) 130 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
МТС



Setko System-Integration Security
Магазин-салон
**“УМНЫЙ ДОМ”**
www.setko.uz
*Мини-АТС,
Видео-наблюдение,
Контроль доступа (под заказ)
Тел.:138-99-99, 137-29-88.
* Товар сертифицирован



Минск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили
**«ADVENT EURASIA» ҚК**
«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.

Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.

*Маҳсулот сертификатланган*
*Кафолат муддати — 3 йил.*

Тел./факс: 234-10-97.
Телефон: 234-19-53.
Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона.
Мўлжал — «Юлдуз» фабрикаси.
1472R/1346



ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли
ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-32214 (4x4) "Тез ёрдам"
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
ГАЗ-3307 Автоэвакуатор
ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

«ОМСКШИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.
Тел.: 300-29-59
Маҳсулот сертификатланган

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Саид АҲМАДнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул ходими
**Раҳматулла Джаъфарович ХОДЖАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш бош маркази директори Абдулла Аҳмедовга онаси
**РАҲИМА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Саид АҲМАДнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси директор ўринбосари Асқар Дадаханович Абдураҳимовга акаси
**Адил Дадаханович АБДУРАҲИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров,
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6 8